

ПАРА СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Д.Б. Вахобов

Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти .
Қайра тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини ташкил этиш бўлими бошлиғи
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7821699>

Аннотация: Мақолада, пара спорт турлари бўйича мураббийларни тайёрлаш ва малакасини оширишда тренер-ўқитувчиларнинг касбий-амалий тайёргарлиги ҳамда касбий-компитентлигини ошириш механизмларини қўллаш самарадорлигига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: паралимпия, мураббий, касбий компитентлик, адаптив жисмоний тарбия, нозология, спорт таснифлар, касбий-амалий, жисмоний имконияти чекланган, машгулот, мураббий-ўқитувчи.

IMPROVING THE SKILLS AND RE-TRAINING MECHANISMS OF PARA SPORTS SPECIALISTS

Abstract: In the article is paid attention to the efficiency of using the mechanisms of professional-practical training and professional-competency improvement of trainers-teachers in training and improving the qualifications of coaches in para sports.

Keywords: Paralympics, coach, professional competence, adaptive physical education, nosology, sport classifications, professional-practical, physically disabled, training, coach-teacher.

ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ И МЕХАНИЗМЫ ПЕРЕПОДГОТОВКИ СПОРТИВНЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ ПАРА

Аннотация: В статье обращено внимание на эффективность использования механизмов профессионально-практической подготовки и повышения квалификации тренеров-преподавателей в подготовке и повышении квалификации тренеров по параспорту.

Ключевые слова: Паралимпийские игры, тренер, профессиональная компетентность, адаптивная физическая культура, нозология, спортивные классификации, профессионально-практические, инвалиды, подготовка, тренер-преподаватель.

КИРИШ

Долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 майдаги ПФ-5114-сон «Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги ВМҚ-599-сон «Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ҳузуридаги Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2022 йил 3 ноябрдаги ПҚ-414-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда адаптив жисмоний тарбия ва паралимпия спортни оммалаштириш соҳасидаги бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади. Жаҳон амалиёти пара спорт турлари бўйича спорт мураббийларининг касбий-

амалий тайёргарлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш, таълим муассасаларида спорт мураббийларининг касбий компетентлигини юқори даражада ривожлантириш, уларни ўқитиш ва малакасини оширишнинг методик жиҳатдан илғор педагогик ва бошқарувининг услубий тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш заруриятини тақозо этмоқда. Пара спорт турлари бўйича спорт мураббийларини тайёрлашнинг янги технологияларга бўлган эҳтиёжи ортиб, юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимида адаптив жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини оммавийлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот мақсади: пара спорт турлари бўйича тренерлар касбий-амалий тайёргарлигини ривожлантирувчи механизмларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари: замонавий концептуал ёндашувлар асосида пара спорт турлари мураббийлари шахсига хос касбий-амалий хусусиятларни аниқлаш;

амалдаги ўқитиш механизмларининг фаолият учун зарур бўлган касбий ва шахсий сифатларни шакллантиришдаги ўрнини самарали методикалар асосида аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, педагогик назорат, педагогик тестлаш, антропометрия, машғулоти жараёнининг таҳлили, педагогик тажриба, бошқарув усулларида фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УНИНГ МУҲОКАМАСИ

Мамлакатимизда бир қатор тадқиқотчи ва олимлар томонидан мураббийлик фаолияти, спорт мураббийларининг касбий тайёргарлиги, касбий компетентлиги, тренерларга хос касбий фазилатлар, тренерларни тайёрлашнинг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш борасида эътиборга молик изланишлар олиб борилган. Бироқ пара спорт турлари бўйича мураббийларни тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш бўйича илмий изланишлар деярли олиб борилмаган. Бунда асосан тренерлик фаолиятида пара спортчиларни тайёрлашнинг машғулоти ва мусобақа фаолиятларини бошқариш масалаларига эътибор қаратиш лозим. Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, мазкур тадқиқот иши пара спорт турлари бўйича тренерларни тайёрлашда касбий-амалий жиҳатдан ёндашилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Тадқиқотчилар асосан, мураббийлар фаолияти учун шарт саналган касбий маҳорат, касбий компетентлик, касбий ташаббускорлик ва касбий ўзини-ўзи ривожлантириш каби жиҳатларга эътибор қаратишган. Бироқ, муаммонинг айнан биз томондан тадқиқ этилаётган жиҳати яъни пара спорт турлари мураббийлари касбий-амалий тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг машғулоти ва мусобақа фаолиятини бошқариш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. Шу боис, мазкур тадқиқот иши, педагогика фанлари адаптив жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар учун янги назарий-амалий имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Пара спорт фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатадиган энг муҳим шахсий фазилатлар қуйидагилар саналади:

1. Устунлик фазилати;
2. Ўзига ишонч;
3. Ҳиссий етуклик;
4. Стрессга қаршилиқ;

5. Ижодкорлик ютуққа интилиш;
6. Ташкилотга бўлган альтруизм (фидоийлик);
7. Жавобгарлик;
8. Ишонччилик;
9. Хушмуомалалик.

Юқорида келтирилган фазилатлар туркуми машғулот ва мусобақа фаолиятида бирлашади ва динамик тарзда ривожланиб боради. Бу жараён охир-оқибат пара спортчиларни тайёрлашда мураббий фаолиятининг муваффақиятини таъминлаш билан яқунланади. Мураббийлик фаолиятида касбий етуклик қуйидаги жиҳатлар билан аниқланади:

- мураббий-ўқитувчиларни сертификатлаш учун зарур мезон;
- профессионализм кўрсаткичи;
- касбий таълимнинг мақсади ва натижаси;
- касбий фаолиятнинг ҳолати;
- муайян касбий ролнинг функцияларини ташувчисининг тавсифномаси ва ҳоказо.

Касбий етуклик борасидаги ёндашувлар мутахассислик малакасининг намунаси сифатида ўрганилади шунингдек, у мутахассисликнинг умумий талаблари ва касбий фаолиятнинг предмети ҳамда индивидуал ривожланишнинг ўзига хосликлари кабиларни ҳам мазмунан камраб олади. Ушбу модел давлат ҳужжатларида малакавий характерга эга бўлиб, у профессиограмма деб тасдиқланган. У касбий фаолият функцияларидан келиб чиқиб, фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради ва шахсни шакллантириш хусусиятлари усулларини белгилайди. Пара спорт турлари мураббий-ўқитувчиларни тайёрлашнинг малакавий таркиби–тренер-ўқитувчининг касбий билим ва кўникмаларини илмий жиҳатдан асословчи норматив танлов моделида тақдим этилади. мутахассиснинг муайян вақтга тўғри келадиган образи бу–унинг моделидир. Ушбу модели икки қисмни ўз ичига олади яъни инсон ва унинг фаолиятини. Бу пара спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш дастурини такомиллаштириш, касбий тайёргарликнинг муайян усулларини, воситаларини ва мезонларини олдиндан кўришга имкон берадиган моделдир. Мазкур модел энг самарали ҳамда намунавий модел бўлиб, у ўз мазмунида мутахассиснинг индивидуал ривожланиши ва ижтимоийлашув ҳолати кабиларни ҳам ўз ичига олади. Касбий малака–ижтимоий тизим томонидан таъсис этилган ва ходимларининг маълум бир профессионал гуруҳга мансублигини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатдир. Касбий етуклик даражасини оширишда энг муҳими пул маблағлари, янги ўқитиш усуллари ва таълим фаолиятининг шакллари ва унинг ривожланишини таъминловчи тизимлардир. Бу тизим ёндашуви тушунчалар ва тоифаларнинг аниқ таърифи, тизимнинг ички ва ташқи алоқаларини ижтимоий муҳит билан шакллантириш, профессионал кўникма даражасини оширишга инновацион ёндашувлардан фойдаланишнинг мантикий асосларини ўрганишни назарда тутди. Тизимли ёндашув асосан, касбий малакани профессионал фаолият билан ўзаро боғлиқ компонентлари билан кўриб чиқишимизга кенг имкон беради. Шунингдек, спорт мураббийи шахсига хос профессионал кўникмаларнинг ривожланиши ҳамда унинг истикболларини аниқлаш ҳам имкон беради. Пара спорт турлари бўйича тренерининг касбий салоҳияти ва касбий фаолият йўналиши – унинг шахслик тизми билан белгиланадиган касбий-шахсий хусусиятлари ҳам деб қаралади. Педагогик тадқиқотларда ваколатга эга бўлиш мазмунан, икки компонентга эга бўлишни таъкидлайди. Яъни назарий ва амалий, бироқ профессионал малаканинг таркибий қисмлари барча тадқиқотчилар томонидан турли йўللار билан аниқланади. Педагогик фаолиятда, профессионал малака элементларига умумий ва педагогик маданиятнинг юқори даражаси, касбий ва ахлоқий фазилатлар, касбий билимлар ва кўникмалар, педагогик қобилятлар ҳамда ижодкорлик

хусусиятлардир кабилар киритилади. Ҳозирги кунда пара спортчиларни тайёрлаш ҳамда юқори малакали пара спортчиларни етиштириш тизимида адаптив жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини оммавийлаштиришга катта этибор берилмоқда. Мамлакатимизда пара спортчиларни тайёрлашга мослаштирилган олий ва ўрта махсус билим юртлари фаолиятлари кенгайтирилмоқда. Мингдан ортиқ спорт клублари, спорт саройлари ва юзлаб болалар ва ўсмирлар адаптив жисмоний тарбиясига мослаштирилган спорт мактаблари ҳамда олимпия ва паралимпия спортчиларини тайёрлаш марказларида паралимпия йўналишлари фаолият кўрсатмоқдалар. Бу ўқув юртлардан юқори малакали спорт усталари ва спорт тренерлари ҳамда жаҳон миқёсидаги пара спортчилар етишиб чиқмоқдалар.

Ҳозирга қадар кўплаб замонавий спорт мажмуалари, спорт иншоатлари, спорт ўйингоҳлари барпо этилган бўлиб, улар спортчиларимиз қолаверса, юртимиз фуқаролари учун кенг кўламда хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунга келиб эса имконияти чекланган шахсларни пара спорт турларида шуғилланиши учун ҳам шарт-шароитлар яратилиб спорт инвентарлари, спорт жихозлари уларга мослаштирилмоқда. Бу турдаги ишлар эса, ўз-ўзидан пара спорт мураббийлари учун қатор долзарб вазифалар қўйиши табиий. Педагогик жиҳатдан қаралганда, мураббийлик фаолиятининг самарадорлиги аввало, унинг билим ва кўникмалари қай даражалилиги билан белгиланади.

Пара спорт турлари бўйича мураббий фаолиятида қобилият аҳамиятли саналиб, у орқали ўзаро билимлар ва ҳаракатлар алмашинуви амалга оширилади. Қобилиятлар бир неча турга бўлиниб, у мураббийдаги пара спортчиларнинг хатти-ҳаракати ва ҳолатини, ҳаракат фаоллигини, индивидуал хусусиятларини, психологик ҳолатини, пара спортчилардаги спорт техникасига ўргатишда ҳаракатлар оғиш сабабларини аниқлаш қобилияти, машғулотга тайёргарлик бўйича маълумотларни жамлаш, машғулот жараёнида мураббийнинг ўзига тегишли ҳаракатлар тизимини режалаштириш ҳамда таълим жараёнида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни олдиндан кўра олиш ва уларни бартараф қилишдаги конструктив қобилияти, машғулот ва мусобақаларда таълим ва тарбия ишлари билан бирга гуруҳий ўзаро ҳамкорликни ташкиллаштиришдаги ташкилотчилик қобилияти, инсонлар билан алоқа ўрната олиш, мулоқот воситаларини ишлата билишдек қатор қобилиятлар туркумини назарда тутади.

XULOSA

Мураббийлар фаолиятининг касбий тайёргарлик даражаси барқарорлиги, шахслилик хусусиятларининг ўсиши, касбий фаолият учун зарур бўлган сифатларнинг ўсиши ва тренерлар пара спортчиларни тайёрлашда тартибли хулқ-атвор имкониятларини рўёбга чиқариши ҳамда машғулотлар жараёнига оптимал даражада ногиронлик нозологиялари, спорт таснифлари, ҳаракат имкониятлари жиҳатдан тайёрлаш ва махсус жисмоний машқлар олдиндан белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишига ва касбий-жисмоний сифатларнинг ўсишига ўзига хос асос сифатида хизмат қилади. Касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятлар ва сифатларининг турли хил омиллари бўлажак пара спорт турлари мураббийларида аниқланиб, уларнинг ҳар хил даражалари акс этиб, иродавий ҳаракатларнинг мустаҳкам даражада ривожланганлиги ва кузатувчанлик қобилияти ривожланганлиги, уларнинг келгуси фаолиятида спорт машғулотларини тез, мукамал ўзлаштириш ва мотивацион ҳаракатларни муваффақиятли таъминловчи сифатларни жамлаши билан алоҳида характерланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Paralimpiya harakatini rivojlantirish"ga doir qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risidagi PQ-5114-son qarori 2021 yil 18 may.
2. "O'zbekiston Milliy paralimpiya qo'mitasi huzuridagi Paralimpiya sport turlari bo'yicha mutaxassislarni tayyorlash instituti faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-599-son Qarori 2022 yil 14-oktyabr.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-414-сон 2022 йил 3 ноябр.
4. Абдиев А.Н. Яккакураш спорт турларида ихтисослашувчи талабаларда тренернинг касбий кўникмаларини шакллантиришнинг илмий педагогик асослари.: Дисс. д-ра пед. наук. –Тошкент. ЎзДЖТИ, 2004. – 158 б.
5. Корх А.Я. Тренер: деятельность и личность : Учебное пособие. -М.: Терра-Спорт, 2000. –120 с.
6. Лалаян А.А. О типологии тренеров в связи с особенностями их деятельности. Теория и практика физ. культуры. – 1981. – № 6. – С.12